

Дунёдаги энг йирик ҳажмли Қуръон қайта таъмирланди



13:28 / 10.08.2018 5024

2011 йилда Италияда яратилган рекорд даражадаги йирик Қуръони Каримнинг босма нусхаси Қозонда қайта таъмирдан чиқарилди.

“Islam today” сайтнинг хабар беришича, барча таъмирлаш ишлари Халқаро алоқалар институтида амалга оширилган.


Маълум бўлишича, мазкур тарихий экспонатни яратишда италиялик экспертлар бир қатор хатоликларга йўл қўйганлар.

– Қуръон нусхасини яратишда мутахассислар китобнинг катталигига эътибор беришмаган, китобнинг муқоваси ҳамда саҳифаларини шунга муносиб тарзда яратишмагани боис, мусҳаф варақлангани сайин саҳифалар титилиб, муқовага ҳам путур етган, – дейди олий даражадаги

реставратор-рассом, Татаристон тарихи кафедраси профессори Светлана Буршнева. – Қоғозларнинг блоки жуда заиф тикилгани, жилдининг ўта нафислиги сабаб, улкан ҳажмдаги китобни варақлашнинг имкони бўлмаган. Китобдаги оятлар битилган босма бўёқлар яхши қурилмаган, шу боис кўплаб саҳифалар бир-бирга ёпишиб қолган,

Эслатиб ўтамиз, ҳажми **150x200** см бўлган Қуръон китобининг оғирлиги **800** кг бўлиб, у **632** саҳифадан иборат. 2011 йилда мазкур нусха **“Гиннеснинг рекордлар китоби”**га киритилган эди. Мазкур китоб Булғурда сақланади.

Image not found or type unknown



манба: *Muxlis.uz*